

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ИХТИСОСЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
ТУРКИЯ ДАВЛАТИ ИСТАМБУЛ УНИВЕРСИТЕТИ
БЕЛОРУССИЯ ДАВЛАТ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**

“Тасдиқлайман”

**Республика ўрта тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари
малакасини ошириш ва уларни
ихтисослаштириш маркази**

« — »



проф. Л.Х. Мусажанова

“Тасдиқлайман”

**Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази
директори**

2023й



проф. А.А. Акилов

**“Соғлом онлани шакллантириш” мавзусидаги
Қўшма малака ошириш ўқув дастури
(Ўқиш ҳажми -756 кредит)**

Тошкент -2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ИХТИСОСЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
ТУРКИЯ ДАВЛАТИ ИСТАМБУЛ УНИВЕРСИТЕТИ
БЕЛОРУССИЯ ДАВЛАТ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ**

Рўйхатга олинди

№ _____

2023 йил « ____ » _____

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

2023 йил « ____ » _____

Билим соҳаси соғлиқни сақлаш

**“Соғлом оилани шакллантириш” мавзусидаги
Қўшма малака ошириш ўқув дастури
(Ўқиш ҳажми -756 кредит)**

Тошкент -2023

Тузувчилар:

- Арслан М.М. Doktorclub Global Marketing Executive Turkiya
- Ресер Gemici Doktorclub Global Marketing Executive Turkiya
- Яковенко Г.В. Беларуссия Давлат Тиббиёт коллежининг тиббиёт ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи
- Ярош К.С. Беларуссия Давлат Тиббиёт коллежининг цикл комиссиясининг раиси
- Мусажанова Л.Х. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори, т.ф.д. профессор
- Салиходжаева Р.К. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Олий маълумотли тиббиёт хамширалари” кафедраси мудир, т.ф.н., доцент
- Тожибоева Г.Ш. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Олий маълумотли тиббиёт хамширалари” кафедраси ассистенти
- Эргашева У.Б. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқитувчиси

Такризчилар:

- Омонов И.И. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи т.ф.д., профессор
- Муминова Н.Х. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Қашқадарё филиали директори, акушерлик ва гинекология кафедраси доценти. т.ф.д,
- Зуфарова Ш.О. Республика ахоли репродуктив саломатлик марказидиректори, т.ф.д.

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
марказининг ўқув-услугий кенгашида кўриб чиқилган

2023 й «14» ноябрь

баённома № 4

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
марказини Олимлар кенгашида кўриб чиқилган

2023 й «14» ноябрь

баённома № 33



A handwritten signature in black ink, appearing to read 'X. Akilov', written over a horizontal line.

Х.А.Акилов

Ўқув дастури Республика ўрта тиббиёт фармацевтика ходимлари малакасини
ошириш ва уларни ихтисослаштириш Педагогик кенгашида кўриб чиқилган

2023 й «14» ноябрь

баённома № 6



A handwritten signature in black ink, appearing to read 'L. Musajanova', written over a horizontal line.

Л.Х.Мусажанова

І.КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи, контрацепциянинг замонавий усуллари қўллаш бўйича суҳбатлар ўтказиш, ҳомиладорларга бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида юқори малакали антенатал парвариш кўрсатиш, уларни эрта диспансер кузатувига олиш ва уйда патронаж ташрифлар сифатини янада такомиллаштириш мақсадида дояларни ўқитиш белгиланди.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятига ташриф давомида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, таълим ва тиббиёт соҳасида кадрлар салоҳиятини ва тиббий хизматлар сифатини ошириш юзасидан аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларни олдини олиш борасида тиббий бригада дояларини халқаро талабларга мос равишда ўқитишга мўлжалланган.

Мақсад.

Ўқитиш натижасида тиббий бригада доясининг мавжуд билим, салоҳиятини такомиллаштириш, касбий фаолиятида янги билим ва кўникмаларини халқаро талабларга мос равишда эгаллаши, амалиётда профилактиканинг универсал моделидан фойдаланиш, маҳалларда ташкил этилган “Соғлом оила” хоналарида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ўзининг касбий интилишларини ривожлантиришдан иборат.

Вазифалар.

- бирламчи тиббий- санитария ёрдами муассасаларида “тиббий бригада” дояларининг функционал вазифалари бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш;
- замонавий клиник протоколлар ва стандартлар асосида назарий билимларини ошириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш;
- самарали мулоқот кўникмаларини такомиллаштириш;
- оналар ва болаларга касалликларни олдини олиш бўйича патронаж хизматини кўрсатишни ўргатиш;
- «Соғлом турмуш тарзи» қоида ва талабларига амал қилиш, ўз ҳудуди аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, профилактика йўналишларига янгича ёндашиш ;
- оилада ота-она ўғил ва қизни балогат ёшига тайёрлаш ва балогат ёши даврида физиологик ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш.
- ўсмир қизлар ва ўғил болаларга нисбатан жинсий зўравонликни олдини олиш ва салбий оқибатлари ҳақида тушунча бериш;

- репродуктив саломатлик, никоҳ гигиенаси, хомиладор аёлни туғрукка тайёрлаш масалаларида маслаҳатлар бериш;
- оналар ва болалар ўлимини камайтириш, оила аъзоларининг маъсулият ва жавобгарлигини ошириш;
- хомиладорларни антенатал кузатишни ташкил этиш ва оила аъзоларини бу жараёнда маъсулиятини ошириш;
- тугма ва ирсий касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, хомиладор аёлларни скринингдан ўтказиш;
- тугма ногирон болага нисбатан дискриминацияни олдини олиш хомиладор аёл ва оила аъзоларини руҳий тайёрлаш ва маслаҳат бериш;
- исталмаган хомиладорликдан сақланиш усуллари, контрацептив воситаларини туғри қўллаш бўйича маслаҳат беришга ўргатиш.
- шифокор кўрсатмаларига риоя қилиш.

Таълим олувчилар контингенти: Қашқадарё вилоятининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритаётган тиббий бригада доя ва ҳамшираларига мўлжалланган.

Ўқув дастурни ўзлаштира олиши учун зарур бўлган тингловчи салоҳияти:

- тиббий этика ва деонтология кўникмаларини амалиётда қўллай олиш;
- соғлом оила дояларини нотиклик салоҳиятини ошириш;
- амалдаги меъёрий хужжатлар билан ишлаш, соҳага оид замонавий ютуқлардан хабардор бўлиш;
- соғлом турмуш тарзи, рационал овқатланиш: оилада хомиладор аёлга индивидуал овқатланишни ташкил этиш, шароит яратиб бериш;
- жисмоний фаоллик-хомиладор аёлни жисмоний фаолиятини баҳолаш, зўриқишни олдини олиш;
- психоэмоционал ҳолат ва репродуктив саломатликни асосий қонуниятларини билиш;
- маҳаллаларда ташкил этилган “Соғлом оила” хоналарида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш;
- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан ҳамкор ташкилотлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ишлаш;
- репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ масалалари бўйича билимга эга бўлиш;
- тугма ва ирсий касалликлар профилактикаси, хомиладор аёлларни скрининг текширувларини ташкил этиш;
- хомиладорларни антенатал кузатувини олиб бориш;
- исталмаган хомиладорликдан сақланиш усуллари, замонавий контрацептив воситаларини туғри қўллаш бўйича маслаҳат бериш;
- оиланинг саломатлик ҳолатини таҳлил қилиш, оила саломатлигини сақлашда профилактик тадбирларни ташкил этиш.

Дастурнинг долзарблиги: Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, таълим ва тиббиёт соҳасида кадрлар салоҳиятини ва тиббий хизматлар сифатини ошириш юзасидан аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, оналар ва болалар

Ўлимини қисқартириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларни олдини олиш, соғлом оилани шакллантиришда тиббий бригада доя ва хамшираларнинг касбий салоҳиятини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Дастур интеграцияланган шаклда халқаро ҳамкорликда тайёрланди.

Дастур хажми: 144 кредит (қунига 6 кредит)

Мустақил амалиёт: 576 кредит

Умумлаштирувчи дарс: 36 кредит

Ўқиш шакли: кундузги - ўқиш ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда

Машғулотларни ўтиш тартиби: Кундузги - қунига 6 кредит

Ўқиш тугагандан сўнг бериладиган ҳужжат: ўқув курсни тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга **Соғлом оилани шакллантириш** мавзусида малака оширганлиги ҳақида халқаро талабларга мос равишда сертификат тақдим этилади.

II. РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИ

Режалаштирилган таълим натижаларидан сўнг янгиланиши лозим бўлган касбий салоҳиятлар: тингловчиларнинг “Соғлом оилани шакллантириш” мавзусидаги ўқув курсини ўзлаштириши натижасида мутахассислик хусусиятларидан келиб чиқиб, малака таснифи асосида умумий ва малакавий кўникмалари янгиланади, қуйидаги касбий салоҳиятлари такомиллашади:

- маҳаллаларда соғлом оилани шакллантириш тамойилларини билиш;
- “Соғлом оила” хонаси ишини ташкил этиш, жихозлаш;
- оналар ва болалар соғлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш доирасида аҳоли орасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, профилактика ишларини олиб бориш;
- ўсмир қизлар, фертиль ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва тукқан аёллар ўртасида шахсий гигиена, тўғри- рационал овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида тушунтириш ва маслаҳатлар бериш;
- эрта турмуш қуриш ва яқин қариндодлар орасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари ва уларни олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиш;
- ҳомиладор аёлларни эрта муддатда аниқлаш, ҳисобга олишга йўналтириш;
- репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш эрта ва кеч ҳомиладорлик ҳамда исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш масалаларида аёллар, ўсмир қизлар ва уларнинг оналари билан суҳбат ва учрашувлар ўтказиш;
- ўсмир қизлар ва ўгил болаларга нисбатан жинсий зўравонликни олдини олиш ва салбий оқибатларини тушунтириш;
- замонавий контрацептив воситаларини тўғри қўллаш бўйича маслаҳат бериш;
- тугма ва ирсий касалликлар профилактикаси, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш;
- ҳомиладорларни антенатал кузатувини олиб бориш;
- патронаж хизматини универсал-прогрессив модел асосида ташкиллаштириш;

- оналар ва болаларда хавф белгиларини эрта аниқлаш, ёрдам кўрсатиш, оила ва ҳамкор ташкилотлар билан иш олиб бориш.

III. ДАСТУР МАЗМУНИ

“Соғлом оилани шакллантириш” 756 кредит/соатга мўлжалланган мавзули малака ошириш цикли

ЎҚУВ РЕЖАСИ

№	Модуллер номи	Кредит	Аудитория машғулотлари		Аттес тация
			Маъруза	Амалий машғулот	
1.	Модул.Тиббий этика ва деонтология	6	6	-	
2	Модул.Соғлом оилага тайёрлаш	42	14	28	
2.1	“Соғлом оила” хонасини ташкил этиш, жихозлаш		2		
2.2	“Соғлом оила” доясининг функционал вазифалари.			4	
2.3	Тиббий кўрик ва даврий кузатувлар: атропометрия ўлчовларини ўтказиш, ҳаётий муҳим кўрсаткичларни аниқлаш.			4	
2.4	Ўсмирлар репродуктив саломатлиги. Репродуктив тизимнинг анатомо- физиологик хусусиятлари		2		
2.5	Ҳайз цикли ва уни бошқариш		2		
2.6	Қизларда жинсий ва жисмоний ривожланиш нормал кўрсаткичлари			4	
2.7	Қизларда тиббий кўрикнинг аҳамияти		2		
2.8	Ўсмир кизларни режали эмлаш.			4	
2.9	Оиладаги ўзаро ҳамкорлик ва тарбия муаммолари.		2		
2.10	Оилада ижобий муҳитни шакллантириш.			4	
2.11	Эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг салбий оқибатлари		2		
2.12	Соғлом она бўлишни таъминлаш масалалари			4	
2.13	Камконлик ва унинг олдини олиш		2		
2.14	Йод танқислик касалликларни олдини олиш.			4	
3.	Ҳомиладор аёлнинг динамик кузатуви ва антенатал давр	18	18		

3.1.	Ҳомиладор аёлнинг организмдаги ўзгаришлари		2		
3.2.	Ҳомиланинг антенатал химояси		2		
3.3.	Ҳомиланинг эрта тушиш хафи, вақтидан олдинги туғрук		2		
3.4.	Ҳомиладорларда гипертензив ҳолатлар		2		
3.5.	Ҳомиладор аёлларда қон кетиш		2		
3.6.	Экстрагенитал патология ва ҳомиладорлик: қон айланиш тизими касалликлари, артериал гипертензия, ҳомиладорликда анемия		2		
3.7.	Нафас аъзолари касалликлари. Сил ва ҳомиладорлик.		2		
3.8.	Қандли диабет ва ҳомиладорлик		2		
3.9.	Сийдик ажратиш тизими касалликлари ва ҳомиладорлик		2		
4.	Модул.Ҳомиладорлар аёллар антенатал кузатуви ва чилла даврининг ўзига хос хусусиятлари	48	16	30	
4.1	Ҳомиладорликкача бўлган хавф омиллари.		2		
4.2	Ҳомиладорликкача бўлган хавфли омиллар аниқланганда ёрдам бериш			2	
4.3	Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар.		2		
4.4	Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар аниқланганда ёрдам кўрсатиш ва тавсиялар бериш.			2	
4.5	Ҳомиладорлик даври гигиенаси		2		
4.6	Ҳомиладорлик даврида нотўғри овқатланиш омилларини аниқлаш			2	
4.7	Ҳомиладорликда зарarli одатлар хавфини аниқлаш		2	2	
4.8	Ҳомиладор аёлларни даврий тиббий текширувларга тайёрлаш			2	
4.9	Ҳомиладорлик даврида депрессияни аниқлаш.			2	
4.10	Ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш		2	2	
4.11	Ҳомиладор аёлни туғруққа психопрофилактик тайёрлаш		2	2	

4.12	Туғруқдан кейинги даврдаги аёлларда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб этувчи белгилар			2	
4.13	Янги тугилган чақалоқ парвариши.		2	4	
4.14	Кўкрак сутининг ахамияти ва унинг афзалликлари.		2		
4.15	Кўкрак сути билан эмизишнинг муаммоларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш			4	
4.16	Чилла давридаги аёлларда Веббо иловасидан фойдаланишни ўргатиш			4	
5.	Модул.Репродуктив саломатлик	12	4	8	
5.1	Репродуктив давр.Репродуктив ҳуқуқ масалалари.		2		
5.2	Контрацепциянинг замонавий усуллари.			4	
5.3	Аёл ёши ва саломатлик даражасига кўра контрацепция усулларини танлаш ва маслаҳат бериш		2		
5.4	Нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда зудлик билан ёрдам кўрсатиш.			4	
6	Аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар	6	2	4	
6.1	Скрининг текширувларига аёлларни йўналтириш		2		
6.2	Ҳайз циклининг турли босқичларида аёл организмида кечадиган ўзгаришлар			4	
7	Модул.Инфекцион назорат	6	4	2	
7.1	Жинсий йўл орқали юқувчи касалликларни олдини		4		
7.2	Нотўғри турмуш тарзини олдини олиш			2	
	Аттестация				6
		144			6
	Мустақил амалиёт	576			
	Қайта такрорлашдан ўттиш ва якуний имтиҳон	36			
	Жами:		576 кредит		

1. Модуль. Тиббий этика ва деонтология

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<ul style="list-style-type: none"> • Тиббий этика ва деонтология моҳияти; • соғлом оила дояларини нотиклик салоҳиятини ошириш;

	<ul style="list-style-type: none"> • Замонавий жамиятда тиббий одоб-ахлоқнинг муҳимлиги; • нутқ маданияти ёки нутқ одоби бир-бирига чамбарчас боғланганлиги; • тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, шифокорлар, хамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий ва мафқуравий дастурамалдир.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ўрта тиббиёт ходимининг этика ва деонтологиясини; • самарали мулоқот кўникмаларини. • Тиббиёт ходими ва бемор ўртасидаги ўзаро ишонч, бир-бирини тушунишни; • тиббиёт ходимининг юксак инсоний фазилатлар, софдиллик, зийраклик, одамийлик ва б. га эга бўлишини. • Умуминсоний ахлоқ тамойилларини: ҳалоллик, самимийликни; • Тажрибали ва ўзидан катта ҳамкасбига ҳурмат ва буйсунишни.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Бемор ва унинг қариндошлари билан суҳбатда санъат, одоб, хушмуомалилик ва жиддийликни намоён эта олишни; • Ҳомиладор аёлларга эътиборли ва хушмуомала бўлишни.

2. Модул. Соғлом оилага тайёрлаш

Ўқув модулига ажратилган кредит:	42 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг кўриқлар ва антропометрик ўлчовларни ўтказиш. Ўсмир қизларда ёшига хос хусусиятлари, физиологик ўзгаришлар. Нормал хайз цикли. Ўсмир қизлар гигиенаси. Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари. Оилада ижобий муҳитни шакллантириш. Никоҳдан аввалги тиббий кўрикни ўтказиш. Камқонлик ва унинг олдини олиш. Йод танқислик касалликларни олдини олиш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни; • ўсмир қизларда ёшига хос хусусиятларни; • ўсмир қизлар гигиенасини; • ўсмир қизларни режали эмлашни; • оиладаги ўзаро ҳамкорлик ва тарбия муаммоларини; • соғлом она бўлишни таъминлаш масалаларини.

<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • тиббий кўрик ва даврий кузатувларни олиб боришни; • мақсадли скрининг кўриклар ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни; • Камконликни ва йод танкислик касалликларни олдини олшда шифокор кўрсатмаларини бажаришни.
---	---

3.Модул. Ҳомиладор аёлнинг динамик кузатуви ва антенатал давр

<p>Ўқув модулига ажратилган кредит:</p>	<p>18 кредит</p>
<p>Ўқув модули мазмуни:</p>	<p>Ҳомиладор аёлнинг динамик кузатуви ва антенатал давр. Ҳомиладор аёлнинг организмдаги ўзгаришлари. Ҳомиланинг антенатал химояси. Ҳомиланинг эрта тушиш хафи, вақтидан олдинги туғруқ, ҳомиладорларда гипертензив ҳолатлар. Ҳомиладор аёлларда қон кетиш.</p> <p>Экстрагенитал патология ва ҳомиладорлик: қон айланиш тизими касалликлари, артериал гипертензия, ҳомиладорликда анемия, нафас аъзолари касалликлари, сил ва ҳомиладорлик, қандли диабет ва ҳомиладорлик, сийдик ажратиш тизими касалликлари ва ҳомиладорлик.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ҳомиладор аёлнинг динамик кузатувини. • ҳомиладор аёлнинг организмдаги ўзгаришларини. • ҳомиладор аёлда қон кетганда биринчи ёрдам. • артериал гипертензия ҳолатларида биринчи ёрдам. <p>ҳомиладорликда камконлик, нафас аъзолари касалликлари, сил ва қандли диабет ва сийдик ажратиш тизими касалликларида ҳомиладорликнинг кечиши ва ёрдам кўрсатиш.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни; • ҳомиладор аёлдаги психологик ва ижтимоий ўзгаришларни; • ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар беришни; • ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни; • хавфни камайтирувчи омилларни; • қон кетганда ёрдам кўрсатиш, • артериал гипертензия ҳолатларида биринчи ёрдам кўрсатиш. • ҳомиладорликда камконлик, нафас аъзолари касалликлари, сил ва қандли диабет ва сийдик ажратиш тизими касалликларида ҳомиладорликнинг кечиши ва ёрдам кўрсатиш.

4.Модул.Ҳомиладорлар аёллар антенатал кузатуви ва чилла даврининг ўзига хос хусусиятлари

Ўқув модулига ажратилган кредит:	48 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини аниқлаш, ёрдам бериш.Ҳомиладор аёл ва хомила физиологияси. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тиббий ҳужжатлар (хомиладор аёлнинг шахсий картасини, алмашинув варақасини патронаж варақаси)ни юритиш. Ҳомиладорлик белгилари. Ҳомиладорликни аниқлашнинг замонавий усуллари. Ҳомиладорликнинг I, II, III – триместрларида хомиладор аёл организмидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорлик даври гигиенаси. Ҳомиладор аёлларнинг овқатланиши. Ҳомиладор аёлдаги психологик ва ижтимоий ўзгаришлар. Ҳомиладорлик депрессияси, депрессия аниқланганда ёрдам бериш. Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар ва уларни аниқлаш. Хавфни камайтирувчи омиллар. Ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш, зарарли одатларнинг олдини олиш.Газли ичимликлар,ярим тайёр маҳсулотлар,хомила ва хомиладор аёл организми учун салбий таъсир этадиган озиқ -овқатлар истеъмолини чеклаш. Ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатиш. Туғруқдан кейинги давр ҳақида маълумот. Тукқан аёлда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи белгилар. Кўкрак беzi, веноз тизими томонидан асоратлар. Геморроидал тугунлар, туғруқдан кейинги яра ва чоклар. Янги тугилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлаш.Чилла давридаги хавф солувчи белгилар аниқланганда ёрдам бериш. Истисносиз кўкрак сути билан эмизишнинг муаммоларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш. Кўкрак сутининг аҳамияти ва унинг афзалликлари. 6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизиш. Сут ҳосил бўлишидаги омиллар ва туғри эмизиш қоидалари. Кўкрак сути билан озиқлантиришда юзага келувчи муаммолар ва уларни бартараф этиш. Кўкрак сути билан боқишга моненьликлар. Кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чақалоқларни боқиш. Муайян мослашиш ёки қўшимча овқатлантиришни талаб қилувчи ҳолатлар. 6 ойгача бўлган болаларнинг овқатлантириш принциплари. Эркин эмизиш ва табиий овқатлантириш афзалликлари ва моненьликлар. Перинатал инфекцияларнинг чақалоққа таъсири,сабаблари, белгилари. Муддатдан олдин тугилган чақалоқларнинг терморегуляцияси.Иситиш ва овқатлантириш усуллари.</p>
Ўқув модули	<ul style="list-style-type: none"> • тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг ва

<p>якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<p>антропометрик ўлчовларни ўтказишни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўсмир кизларда ёшига хос хусусиятларни; • ўсмир кизлар гигиенасини; • ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини; • ҳомиладор аёлдаги психологик ва ижтимоий ўзгаришларни; • ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар беришни; • Газли ичимликлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳомила ва ҳомиладор аёл организми учун салбий таъсир этадиган озиқ -овқатлар истеъмолини чеклашни; • ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни; • хавфни камайтирувчи омилларни; • ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш, олдини олишни; • ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатишни; • туккан аёлда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи белгиларни; • туғруқдан кейинги давр хақида маълумотни; • янги тугилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлашни; • кўкрак сутининг аҳамияти ва унинг афзалликларини; • сут ҳосил бўлишидаги омиллар ва тўғри эмизиш коидаларини; • 6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизишни; • кўкрак сути билан озиқлантиришда юзага келувчи муаммоларни ва уларни бартараф этишни; • кўкрак сути билан боқишга моненьликларни; • кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чақалоқларни боқиш усулларини; • Чилла давридаги аёлларда Веббо иловасидан фойдаланишни ўргатишни
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг кўриклар ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни; • ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини аниқлаш ва ёрдам беришни; • ҳомиладор аёлга хавф омиллар тўғрисида маълумот беришни; • ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар беришни; • ҳомиладорлик депрессияси аниқланганда ёрдам беришни; • ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлашни; • ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатишни; янги тугилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни

	<p>аниклашни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • гемorroидал тугунлар, туғрукдан кейинги яра ва чокларни парвариш килишни; • тўғри эмизиш қоидаларини; • кўкрак сути билан озиклантиришда юзага келувчи муаммолар ва уларни бартараф этишни; • кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чакалоқларни боқиш усулларини; • муддатдан олдин тугилган чакалоқларни иситиш ва овқатлантиришни;
--	---

5.Модул.Репродуктив саломатлик

Ўқув модулига ажратилган кредит:	12 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Репродуктив давр. Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик масалалари. Репродуктив ҳуқуқ масалалари Контрацепциянинг замонавий усуллари, турлари, қўлланилиши. Аёл ёшига қараб контрацепция усулларини танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш. Ўсмирлар контрацепцияси. Гормонал контрацепция,турлари. танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш. Лактацион аменорея усули, афзалликлари. Тўсиқли ва кимёвий усулларни қўллаш. БИВ,турлари. БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш. ИЖК усули бўйича маслаҳат олиб бориш. Замонавий контрацепция воситаларини қўллашда доянинг вазифалари.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Замонавий контрацепция турларини, қўлланилишини; • аёл ёшига қараб контрацепция усулларини танлаш бўйича маслаҳат ўтказишни; • гормонал контрацепция,турларини,қўллашни; • лактацион аменорея усули, афзалликларини; • тўсиқли ва кимёвий усулларни ахамиятини,қўлланилишини; • БИВ,турларини, БИВни кўрсатма ва қарши кўрсатмаларини; • БИВ қўйиш учун аёлни руҳан тайёрлаш ва маслаҳат беришни. • БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатишни; • ИЖК услуви бўйича маслаҳат олиб боришни; • аёлларни ИЖК га тайёрлашни; • меъерий ҳужжатларни юритишни.

<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • аёл ёшига қараб контрацепция усуллари танлашда маслаҳат олиб боришни; • Гормонал контрацепция турлари ва қўлланилиши ҳақида маслаҳат олиб боришни; • БИВ қўйиш учун аёлни руҳан тайёрлаш ва маслаҳат беришни. • БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўсатишни; • аёлларни ИЖК га тайёрлашни; • контрацепциянинг жарроҳлик усулидан сўнг беморлар парваришини; • контрацепциядан фойдаланадиган, диспансер назоратида турадиган аёлларнинг карталарини юритишни.
---	---

6.Модуль. Аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар

<p>Ўқув модулига ажратилган кредит:</p>	<p>6 кредит</p>
<p>Ўқув модули мазмуни:</p>	<p>Аёллар жинсий аъзоларини яллигланиш касалликлари, сабаблари, клиникаси. Носпецифик ва специфик инфекциялар. Аёл жинсий аъзолари касалликларида замонавий текшириш усуллари ва уларга аёлни тайёрлаш. Ҳайз фаолиятининг бузилиши, сабаблари. Аменорея турлари, келиб чиқиш сабаблари. Климактерик даврда аёл организмида рўй берадиган ўзгаришлар, аёлни парвариш қилиш. Аёл жинсий аъзолари рак олди ва фон ҳолатлари. Аёллар жинсий аъзолари хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини эрта аниқлаш ва олдини олиш. Профилактик кўрикларни ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритиш. Скрининг текширувларига аёлларни йўналтириш.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аёл жинсий аъзоларининг яллигланиш касалликларини олдини олишни; • ҳайз фаолиятининг бузилиши, сабабларини; • климактерик ёшда аёл организмидаги ўзгаришларни. • аёллар жинсий аъзоларининг рак олди ҳолатлари ва фон касалликларини; • аёл жинсий аъзоларининг хавфсиз ўсмалари ҳақида тушунчани; • аёл жинсий аъзоларининг хавфли ўсмалари ҳақидаги тушунчани; • профилактик кўрикларни ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритишни.

	<ul style="list-style-type: none"> • скрининг текширувларига аёлларни йўналтириш
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Беморларни турли текширувларга руҳий тайёрлашни; • турли таҳлиллар учун йўлланма ёзишни; • климактерик ёшдаги аёллар парваришини. • диспансер гуруҳи беморлари хужжатларини олиб боришни; • аёлни кўкрак безини ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларига ўргатишни; • аёллар жинсий аъзолари хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини эрта аниқлаш ва олдини олишни;

7.Модуль. Инфекцион назорат

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Инфекция ҳақида тушунча. Инфекцион назорат, мақсад ва вазифалари. Юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш усуллари ва уларга амал қилиш йўлларини таҳлил қилиш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Хонадон гигиенаси • жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида тушунчани; • ЖЙОЮК ни олдини олиш, касалликнинг асоратлари ҳақида маълумот беришни; • Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни; • Оммавий жойларда тарқаладиган юқумли касалликлар хавфини олдини олиш.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Хонадон гигиенаси кўникмаларига ўргатишни. • ЖЙОЮК ни олдини олиш, касалликнинг асоратлари ҳақида маълумот беришни; • Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни ўргатиш. • Оммавий жойларда тарқаладиган юқумли касалликлар хавфини олдини олишни.

8.Модуль. Мустақил амалиётни ўттиш

Ўқув модулига ажратилган кредит:	576 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Соглом оилани шакллантириш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган “Соглом оила” хоналарида фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, хомиладор ва чилла давридаги аёллар билан ишлаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, оилани тўғри режалаштириш, касалликлар профилактикаси, хомиладор аёлнинг динамик кузатуви ва антенатал даврида ёрдам кўрсатиш, хомиладорлар аёллар антенатал кузатуви ва

	чилла даврининг ўзига хос хусусиятлари ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар юзасидан кузатувлар олиб бориш ва ёрдам кўрсатиш борасида тиббий бригада дояларининг малака кўникма ва билимларини ошириш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	Соғлом оилани шакллантириш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган “Соғлом оила” хоналарида ишни ташкил этиш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	“Соғлом оила” хоналарида фертил ёшидаги аёллар, ўсмир кизлар, ҳомиладор ва чилла давридаги аёллар билан ишлаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, оилани тўғри режалаштириш, касалликлар профилактикаси, ҳомиладор аёлнинг динамик кузатуви ва антенатал даврида ёрдам кўрсатиш, ҳомиладорлар аёллар антенатал кузатуви ва чилла даврининг ўзига хос хусусиятлари ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар юзасидан кузатувлар олиб бориш ва ёрдам кўрсатиш бўйича кундалик юритиш.

4.ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

4.1.Ўқув ва амалиёт базалари Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Қашқадарё худудий филиали базасида назарий дарслар ўтказилади.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаларига қарашли маҳаллада ташкил этилган “Соғлом оила” хоналарида халқаро лойиҳаларда тайёрланган тренер ҳамширалар томонидан олиб борилади.

4.2.Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:

Клиник амалий куникмаларни мустаҳкамлаш тренингуқув хонаси муляж, фантом в.б жиҳозлар.Электрон доска, компьютер, проектор, доска, флешчат, маркер. Модуллар бўйича тавсия қилинадиган ўқув услубий хужжатлар, тарқатма материаллар, назорат саволлари, қўшимча адабиётлар электрон нусхада сақланади.

Маҳалладиги “Соғлом оила” хонасидаги жиҳозлари:

1. Стол ва стуллар, гилам
2. Шкаф китоблар ва тарқатма материаллар учун(соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлик бўйича тарқатма материаллари)
3. Контрацепция воситалари контейнерда (БИИ,ОК,презервативлар)

4. Баннер кўрак безини пайпаслаш, кўрак сути билан эмизиш бўйича
5. Хомиладорлар учун машқлар Катта копток
6. Хомиладорлар овкатланиши бўйича тавсия бериш учун стол (сут маҳсулотлари, гўшт, жигар, тухум, дукатли маҳсулотлар, нон, мева-сабзавотлар)
7. Хомиладорликда ва чилла дварида учрайдиган хавф белгилари тўғрисида баннер
8. Хомиладорлар учун машқлар йўриқномаси
9. Туғруқхонада бола ва она учун керак буладиган воситалари сумкада
 - 1) она учун(алмашинув варақаси, паспорт, сумка,пижама, ич кийими, сочик, шиппак, қалин кийим прокладкалар, шахсий гигиена воситалари)
 - 2) бола учун(3та тепа паст-кийим, шапка, кўлқоп, одеяло, тетрациклин мазь, болалар креми, памперс, влажный салфетка, термометр, груша)
10. Чақалоқни муляжи ва болалар кровати
11. 0-5 ёшгача болаларни парваришлаш учун жиҳозлар (чўмилтириш ва кир ювиш учун тоғорачалар, совун болалар шампуни, стерил салфеткалари ва болалар учун тиш щеткаси ва пастаси бола учун сочиклар, присыпка лейкопластир, кайчи).
12. Шахсий гигиена воситалари билан контейнер (сочиклари, тиш щеткаси, пастаси, мочалка, тарок, шампунь, совун, антиперсперант, кайчи, қизлар гигиена воситалари)

4.3. Қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги 6110-сонли “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017—2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063-сонли Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб

борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сонли Қарори.

7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29.08.2015 г. № 251 «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на период 2015-2020 годы».

8. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги № 309-сонли буйруғи.

4.3.1 Адабиётлар рўйхати:

1. Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш. Ўқув қўлланма, Тошкент 2020 й.
2. Оналар ва болаларда хавф омилларини аниқлаш бўйича йўриқномалар ва бериладиган тавсиялар. Патронаж ҳамширалар учун чўнтак китобчаси. Тошкент 2020 й.
3. БТСЁ муассасалари учун ЖССТнинг юқумсиз касалликлар бўйича мослаштирилган клиник протоколлар. “Артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протокол”. Ташкент, 2018.
4. А.В. Алимов ва ҳаммуаллифлар. Справочник врача общей практики 1-2 том. Ташкент 2016 г.
5. ЖССТНИНГ “Хавфсиз иммунизация” тиббиёт ходимлари учун қўлланма ЮНИСЕФ-2014й.

Қўшимча адабиётлар:

1. “Оналарга болани овқатлантириш бўйича тавсиялар” Ўқув курси. Тошкент, 2009 й.
2. “Қиз болаларни ўсишини баҳолаш ва кузатиш ҳамда кўрсаткичларни боланинг ривожланиш тарихига киритиш” Ўқув курси. Тошкент, 2009 й.
3. “Кўкрак сути билан боқиш бўйича маслаҳат олиб бориш ўқув курси” ўқитувчилар учун қўлланма. Тошкент, 2007й
4. Кўкрак сути билан овқатлантириш амалиётини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш. (ЖССТ/ЮНИСЕФ ҳамкорликдаги декларацияси).
5. “Кўкрак сути билан боқиш бўйича маслаҳат олиб бориш” ўқув қўлланма. Хамширалар учун ўқув адабиёт 2012 йил

4.3.2. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.minzdrav.uz/>
2. <http://www.Qonber.uz/> -
3. WWW.zarabotu.ru/med/
4. WWW.medn.ru>фельдшер.
5. WWW.medikal-enc.ru/med/.
6. www.medi.ru.
7. www.medlinks.ru.

8. [http // www/ziyonet/](http://www.ziyonet/)

9. [http // stolica.uz](http://stolica.uz)

10. [http // ziyonet zn.uz](http://ziyonet.zn.uz)

5 .ЯКУНИЙ НАЗОРАТ-ИМТИХОН

5.1.Якуний назоратга қўйиладиган талаблар: модулни тўлиқ ўзлаштирган, дарсларга тўлиқ қатнашган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади. 576 кредит мустақил амалиётни ўтган, амалиёт кундаликни юритган, 36 кредит якуний босқичда ўқиган ва якуний имтихондан ўтган доялар имтихонга киритилади.